ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2004-yil, 9-aprel, 15(604)-son Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

☑ ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Болгария ташқи ишлар вазири Саломон Пассини қабул қилди.***

☑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Президенти Вайра Вике-Фрейберганинг таклифига биноан 2004 йил, 7-8 апрел кунлари давлат ташрифи билан Латвияда бўлди.

☑ ***Матбуотда "Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.***

☑ Пойтахтимизнинг "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Таълим — келажакка йўналтирилган сармоя" мавзуида минтақавий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон ҳукумати ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Афғонистон таълим вазирликлари раҳбарлари иштирок этди.

☑ ***Республика саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиалида Жаҳон саломатлик куни муносабати билан брифинг ўтказилди.***

Тадбирда Жаҳон саломатлик куни бу йил мамлакатимизда "Йўл қоидаси – умр фойдаси" шиори остида нишонлангани таъкидланди.

☑ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари қатнашди.

☑ ***Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти – ЮНИСЕФнинг молиявий кўмагидан Бухоро вилоятининг Пешку тумани аҳли ҳам баҳраманд бўлди. Яқинда туманнинг Варахша қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида оилани ижтимоий ҳимоя қилиш "Мадад" маркази иш бошлади.***

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ КОМПЛЕКСИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) масалалари комплексининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2004 йилнинг биринчи чорагида тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама этилди. Мажлисни Бош вазир ўринбосари А.Арипов бошқарди.

Мажлисда таъкидландики, ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил, 30 майдаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси корхоналари 2004 йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, рақобат муҳитини яратиш, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш ва турини кўпайтириш бўйича ишларни давом эттирди.

2004 йил биринчи чораги натижаларига кўра, хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши 146 фоизни, хизматлар экспорти 152 фоизни ташкил этди. Мобил алоқа ҳам жадал суръатда ривожланмоқда. Уяли алоқа мижозлари сони йил бошига келиб 360,4 мингга ёки 111,4 фоизга етди. Биринчи чорак инвестиция дастури юз фоиз бажарилди.

Юзага келаётган рақобат муҳити Интернет хизматлари операторлари ва провайдерлари сонини анча ошириш имконини бермоқда. Бунинг натижасида бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сони ўсмоқда. Бугунги кунда фойдаланувчилар сони йил бошига келиб деярли 19 мингга кўпайди ва 511 мингдан ортиқни ташкил этади, "uz" ҳудудида рўйхатга олинган веб-сайтлар сони 2600тага етди.

Шу билан бирга, мажлисда қилинган ишларга танқидий баҳо берилди, мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳар томонлама муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири

HUSHYORLIK, OGOHLIK — DAVR TALABI

ТИНЧЛИГИМИЗГА РАХНА СОЛИШОЛМАЙДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида Юнусобод тумани ҳокимлиги, университет ва маҳаллалар фаоллари иштирокида сайёр йиғилиш бўлиб ўтди. Уни "Обод" маҳалласи оқсоқоли М.Ҳайдаров олиб борди.

Йиғилганлар 28-30 март кунлари мамлакатимизда амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракатларидан келиб чиққан вазиятни, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларини муҳокама этишди. Йиғилишда Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, профессор С.Қосимов, Ғиёс Умаров номидаги маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Отаева ва "Бодомзор" масжиди имом хатиби А.Ҳайдаровлар сўзга чиқишди.

Маълумки, Тошкентда содир этилган қўпорувчилик хуружлари натижасида нафақат ҳуқуқ-тартибот ходимлари, балки бегуноҳ аҳоли орасида ҳам қурбонлар бўлди. Террорчилик ҳаракатлари асосан одамлар гавжум жойларда содир этилди. Бундан кўзланган мақсад — юртимиз тинчлигини бузиш, одамлар юрагига гулғула, ваҳима солишдир.

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасинлар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка рахна солишолмайди, халқимизнинг иродасини буколмайди.

Йиғилиш сўнгида талаба ёшлар ва маҳалла фуқароларининг ҳамкорлиги ўз самарасини бераётганлигига алоҳида урғу берилиб, бу каби тадбирларни келгусида ҳам ўтказиб туришга келишиб олинди.

Шуҳрат ИСМОИЛОВ

ЯКДИЛЛИК БИЛАН ТАЪКИДЛАДИЛАР

Бухоро вилоятида ўтказилган Маънавият ва маърифат ўқуви доирасида "Бухоро Телеком" филиалида ҳам навбатдаги машғулот бўлиб ўтди. У "Миллий ғоя ва мафкуранинг Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрни" мавзусига бағишланди.

Ўқув машғулотида таъкидланганидек, қаерда жамиятни мафкурасизлантиришга уриниш намоён бўлса, ўша жамият сиёсий ҳаётида бўшлиқ юзага келади ва унинг ўрнини экстремизм, террорчиликка асосланган бузғунчи кучлар осон эгаллайди. Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши муқаррар. Энди фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим. Миллий мафкура жамиятни ғоявий поклайди, журъатсизлик туйғусидан холи этиб, янгича, эркин фикрлашни, миллий онгни ва ғурурни ўстиради, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, порахўрлик каби иллатларга қарши курашга кенг жамоатчиликни даъват этади.

Маънавият ва маърифат ўқуви қатнашчилари ҳузурида сўзга чиққан республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими раҳбарининг ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди О.Вафоев ана шулар ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди ва ўқув қатнашчиларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берди.

Ўқув иштирокчилари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида рўй берган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралашдилар. Бундай разилона хатти-ҳаракатлар мамлакатимиз тараққиётига ғов бўла олмаслигини яқдиллик билан таъкидладилар.

Асқар ИСТАМОВ
Бухоро вилояти

УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШАМИЗ!

Юртимизда демократик, очиқ фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил қадамлар ташланаётган бир пайтда 28-30 март кунлари содир этилган террорчилик ҳаракатлари ҳаммамизнинг юрагимизни ларзага солди. Бир гуруҳ ғаламис кимсалар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишлари натижасида ўнлаб бегуноҳ инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бу воқеалар халқимиз нафратини уйғотди.

Ишонч билан айта оламанки, террорчилар ўз қабиҳ ниятларига ҳеч қачон ета олмайдилар. Биз университет ўқитувчи ва талабалари бутун халқ билан жипслашиб, биргаликда уларга қарши курашамиз! Ҳушёрликни ошириб, тинчлик йўлида бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қиламиз.

Эътиборхон КАРИМОВА,
ТАТУ "Маънавият ва маърифат" бошқармаси бошлиғи

УЛАР ХАЛҚ ҚАРҒИШИГА УЧРАЙДИ

"Қашқадарё почтаси" АЖ ишчи ходимлари иштирокида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида бўлиб ўтган террорчилик воқеалари юзасидан "Огоҳ бўлиш барчамизнинг бурчимиз" мавзусида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Тадбирда корхона директори У.Воҳидов сўзга чиқди.

Мамлакатимизда рўй берган қўпорувчилик ҳаракатлари почта алоқаси соҳаси ходимларини ҳам қаттиқ ғазаблантирди. Тинч аҳоли, айниқса ҳаётнинг завқи нималигини англаб етмаган ёш ғўдакларнинг умрига зомин бўлишни Аллоҳ таолло ҳеч қачон кечирмайди. Оқ сут берган онасидан, ўз отасидан, Ватанидан воз кечганлар халқ қарғишига учраши турган гап.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан "Отанг маҳалла — онанг маҳалла", деб бежиз айтилмаган. Ҳар бир ҳолат маҳаллада яшаб турган аҳоли ўртасида ўрганилади. Бундай дейишдан мақсад почта алоқаси соҳасида ишлаётган ҳар бир ходим маҳаллаларда, ташкилот ва муассасаларда бўладилар. Уларнинг тарғиботташвиқот ишларини кенгроқ юритишга имконлари бор.

Тинчлигимизни кўролмаётган ёвуз кучлар газак олмасдан бартараф этилади. Республикамиз мустақиллигига, унинг эришаётган ютуқларига ҳеч қандай ёвузлик рахна сола олмайди.

Йиғилишда Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг иккинчи котиби М.Туропов ва бошқалар қатнашдилар.

Раъно ҚИЛИЧЕВА,
"Қашқадарё почтаси" АЖ ходимлар бўлимининг етакчи мутахассиси

MUNOSABAT

ЁВУЗ КУЧЛАР БИЗНИ ЕНГА ОЛМАЙДИ!

Бир гуруҳ калтабин кимсаларнинг Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этган мудҳиш жиноятлари бутун халқимиз, барча алоқа ходимлари қатори менинг ҳам қаҳр-ғазабимни қўзғатди. Шубҳасиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг тинч-осойишта ҳаётига раҳна солмоқчи бўлган разил ниятли кишилар ўзлари қазиган чоҳга ўзлари қулаши турган гап.

1999 йилнинг 16 февралида Тошкент шаҳрида, шунингдек, турли вақтларда Қирғизистоннинг Боткент, Сурхондарёнинг Узун ва Сариосиё туманларидаги қўпорувчилик хатти-ҳаракатларини содир этган ғаламисларнинг тақдири нима билан тугагани барчага маълум. Улар ана шу аччиқ сабоқдан тегишли хулоса чиқариб олишлари керак.

Ёвуз кучлар ортида турган экстремистларга берадиган жавобимиз битта: чучварани хом санаманг, жаноблар! Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ўртимиздаги кўприклар аллақачон ёниб бўлган. Тарих ғилдирагини ортга буриб бўлмаганидек, энди бизни ҳеч ким ва ҳеч қачон ўзимиз танлаган йўлдан орқага қайтара олмайди. Халқимизнинг метиндек жипслиги ва бирдамлиги эса юртимиз равнақини кўролмайдиган, қора ва қабиҳ ниятли кучларга берилган муносиб зарбадир. Биз ҳеч қачон саросимага тушмаганмиз ва тушмаймиз ҳам. Парокандалик — халқимизга ёт иллат.

Сезгирлик, огоҳлик ва ҳушёрлик ҳаётимизнинг бош шиорига айланган шу кунларда ҳар биримиз юртимиз тинчлигини асраш учун қўлимиздан келган барча ишни қилишимиз зарур.

Қабиҳ ишларга қўл урган террорчилар тез вақт ичида тегишли жазо олишларига ишонаман.

Дилмурод АБИДОВ,
"Бухоро почтаси" АЖ директорининг ўринбосари, почта хавфсизлиги хизмати бўлими инспектори

МЕҲНАТ ҚАДРИ

Рўзихон Очилов Қашқадарё вилоятида таваллуд топган. Унинг болалиги воҳанинг сўлим ва латиф, гўзалликда бетакрор тоғлари бағрида кечди. Одатда сержило маскан фарзандлари орасидан шоир, ёзувчи ва санъаткорлар кўплаб етишиб чиқади. Рўзихон эса ўз орзусидаги касб — алоқачиликни танлаб хато қилмади.

Отаси Исматхон Очилов (Аллоҳ раҳмат қилсин.) фарзандларига ибратли насиҳатларини берар, кексалар гапига қулоқ тутиш кони фойда эканлигини бот-бот уқтирарди. Кейинчалик Очиловлар оиласи Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманига кўчиб келди. Қаҳрамонимиз 1983 йили тумандаги 36-ўрта мактабни битирди. Тенгқурлари сингари олис шаҳарларга бориб нуфузли институтларда ўқишга шошилмади. Аввал ишлаб чиқаришда чиниқишни, меҳнат қозонида қайнашни дилига туккан Рўзихон "Исмоилтепа" почта алоқаси бўлимида хабарчи бўлиб ишлай бошлади. Сидқидилдан қилган меҳнати эвазига тез орада обрў-эътибор қозонди, эл назарига тушди. 1988 йилда эса Тошкент алоқа техникумини битирганидан сўнг, ўзи ишлаган "Исмоилтепа" алоқа бўлимига бошлиқ этиб тайинланди.

Рўзихон Очилов ҳақида нафақат хўжалик, балки туман аҳли ҳам яхши гапларни айтишади. У раҳбарлик қилаётган бўлим Исмоилтепа, Камар, Қирон, Н.Боймуродов, Қўлдовли, Жарқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳолига, жумладан 110 нафар нафақаҳи, иккита қишлоқ врачлик пункти, учта болалар боғчаси ва тўртта мактабга намунали почта хизматини кўрсатиб келмоқда.

— Ходимларимиз ўзларига юклатилган барча вазифа ва топшириқларни ўз вақтида бажариш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Бўлимда 2004 йил обуна мавсумининг бажарилиши ҳам яхши якун топди. Бу йил 2 млн. 500 минг сўмлик газета ва журналларга обуна амалга оширилди, — дейди Рўзихон Очилов. — Бу ишлар бажарилишининг асосий омили халқимизнинг ўқимишли, ҳамжиҳат, ҳамфикрлилигидир. Шунинг учун ҳам бўлимимиз доимо режаларни ортиғи билан бажариб келмоқда.

Кимнинг оиласида тинчлик, тотувлик бўлса, ишида ҳам ривож бўлади. Рўзихон Очилов ишда фаол инсон, уйда эса тўрт нафар фарзандларнинг севимли отасидир. "Меҳнат қилган элда азиз", дейди халқимиз. Почта соҳасида ёш, сергайрат шундай инсонлар ишлар экан, демак соҳанинг бунданда ривожланиши шубҳасиздир.

Назиртош НАЗАРОВ
Сурхондарё вилояти

OBUNA –2004

САФИМИЗНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАЙЛИК!

Кунлар ойларга, ойлар йилларга уланиб вақт ҳам ўтаверар экан. Назаримизда янги йил кечагина кириб келгандек эди. Кўз очиб юмгунимизча жорий йилнинг биринчи чораги ортда қолди. Бу орада "Xabar"нинг 15-сонини ҳам ҳукмингизга ҳавола қилишга улгурдик.

Xabar
ХАЛҚАТ ЛИҒЛИШИДА
ЭЗГУЛИК ДАРАХТИ ГУЛЛАЙВЕРАДИ

Уч ой ҳар томонлама хулоса чиқаришга етарли муддат. Бу вақт оралиғида хато ва камчиликларни англаб етиш учун ҳам, келгуси режаларни тузиш учун ҳам имкон мавжуд. Саҳифаларимизда бериб борилаётган мақолалар, янгиликлар... ҳамма-ҳаммаси, биринчи навбатда, муштарийлар учун мўлжалланади. Улар газетамиздан ўзлари учун бирор бир фойдалироқ нарса, энг асосийси, маънавий озуқа олиши бизнинг саъй-ҳаракатларимиз самарадорлигини белгилайди. Шу билан бирга, газетанинг ўрганадиган (айниқса, соҳа газеталарининг), ибрат оладиган, хулоса чиқарадиган томонлари ҳам мавжуддирки, бу турмушимизда, иш фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади. Лекин масаланинг яна бир томони бор – газета ўқувчи қўлига етиб бормасачи? Бундай ходим (соҳа мисолида айтадиган бўлсак) соҳа янгиликлари, мутахассислар фикри, айрим корхоналарнинг самарали иш тажрибаси ва меҳнат жараёнида бартараф этилиши зарур бўлган муаммолардан ўз вақтида хабардор бўла оладими? Ушбу саволга ижобий жавоб бериш мушкул.

Жамият тараққий этишдан бир зум бўлсада тўхтамайди. Бу – ҳаёт қонуни. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳам ҳозирда ҳар томонлама шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бугунги янгилик эртага оддий ҳолга айланиб қолмоқда. Давр эса у билан тенгма-тенг юришни, воқеа ва ҳодисалардан ўз вақтида огоҳ бўлишни талаб этади. Эскича фикрлаш, эскича иш тартиби билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Шу жумладан, янгиликлардан хабардор бўлмаган кадрлар билан ҳам...

2004 йил учун обуна жараёнининг илк якунлари ҳақида аввал ҳам тўхталиб ўтган эдик. Лекин апрел ойига келиб, обуначи-ўқувчиларимизнинг сони анча камайганига гувоҳ бўлгач, ушбу мавзуга яна қайтишни лозим топдик. Аввалига кўпгина обуначиларимиз уч ойга ёзилишганини оддий ҳол деб қабул қилгандик. Имкониятга қараб уч ой, ярим йилга кетма-кет обуна бўлинишини кутган эдик. Бироқ бу тахминимиз кўп ҳам ўзини оқламади: газета адади шу ойга келиб икки мингтага камайди. Келинг, яхшиси фикримизни рақамлар орқали ойдинлаштирайлик.

Вилоятлар бўйича январ ойида энг кўп, яъни 1038та обуна бўлган Андижон вилоятининг кўрсаткичи апрел ойига келиб 797тага тушиб қолди. Йил охирига бориб эса бу рақам 180тага етади, холос. Ундан кейинги ўринда турган Қорақалпоғистон Республикасида (1030та обуна қилинган) бу кўрсаткич апрел ойида 737, декабр ойида эса 65тани, Қашқадарё вилоятида (1015та) уч ойдан сўнг 577, йил охирига бориб 241тани, Фарғона вилоятида (972та) иккинчи чоракда 685, йил якунида 468тани ташкил қилади. Қолган вилоятлардаги аҳвол эса бунданда ачинарли. Айниқса, энг кўп алоқачилар истиқомат қиладиган Тошкент шаҳрида, шунингдек, Тошкент, Хоразм, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах вилоятларида иккинчи ярим йилликда обуна кўрсаткичи жуда ҳам паст даражада. Ушбу келтирилган рақамларни "Ўзбекистон почтаси" ДАК ва "Ўзбектелеком" АКнинг вилоятлардаги ташкилотлари раҳбарлари ҳам таҳлил қилиб, тегишли хулоса чиқаришлари мумкин.

Кези келганда шуни айтиш лозимки, Навоий вилоятида газетамизга 2004 йилга 660та обуна бўлинган ва қувонарлиси шундаки, унинг 96 фоизи бир йилликдир.

Бундай мисолларни келтиришдан мақсад кимнидир қоралаш ёки кимнидир ибрат қилиб кўрсатиш эмас. Айтмоқчимизки, соҳанинг ҳар томонлама ривожланиши ва амалга оширилаётган хайрли ишларнинг бесамар кетмаётганлигини оммага етказишда ўзига хос ўрин тутувчи "Xabar" газетасига обунани жадаллаштириш имкони мавжуд. Биргина алоқа соҳаси вакилларининг сони мамлакатимизда 40 мингдан зиёддир. Бундан ташқари, газетани нафақат алоқачилар, балки бошқа соҳа вакиллари, айниқса, ёшларга ҳам тавсия қилиш мумкин. Бу алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига қизиқиши бўлган ёшларга йўналиш бериш учун ҳам, тасаввурга эга эмасларининг қизиқишини орттириш учун ҳам айни муддаодир. Бунинг учун таҳририят ходимлари имкони борича ҳаракат қилмоқда. Саҳифаларимиздан ўрин олган янги рукнлар, сўнгги пайтлардаги қатор ўзгаришлар ҳам шу мақсадлар йўлида амалга оширган ишларимизнинг дебочасидир. Ишонтириб айта оламизки, келгусида ҳам бу каби саъй-ҳаракатларимиз бир зумга ҳам тўхтамайди.

Лекин обуна масаласи биргина таҳририятга боғлиқ нарса эмас. Уни халқ орасида тарғиб-ташвиқ этиш анча мушкул иш. Бундай ҳолатда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кўмак талаб этилади. Айниқса, почта ходимларида тарғиб қилиш имкони катта. Улар обуна жараёнида хонадонларга ташриф буюришади. Газеталарнинг афзалликлари, ҳаётий зарурлигини тушунтириш, замонавий тилда айтадиган бўлсак, уларни реклама қилиш почта ходимларига ҳам, обуначи-ю, матбуотчиларга ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Азиз "Xabar" мухлислари! Газетамизнинг ранг-баранг бўлиши, ҳар жиҳатдан ривожланишида Сизнинг ҳам ҳиссангиз каттадир. Чунки ўқувчиси кўп нашрнинг фикр-мулоҳаза билдирувчи, мақола ва хат-хабар юборувчиларининг сони ҳам кўпаяди-да.

"Xabar" газетасига обуна давом этмоқда. Келинг, сафимизни янада кенгайтирайлик.

ТАҲРИРИЯТ

ЭЪЛОН!

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

Доцентлар:
Физика — 1,
Радиотехник тизимлар — 1,
Ўзбекистон тарихи — 1.

Катта ўқитувчилар:
Антенна-фидер қурилмалари — 1,
Иқтисод — 1,
Чет тиллари — 2,
Электрон ва квант асбоблар — 3,
Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1,
Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти — 1,
Ўзбекистон тарихи — 1,
Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:
Маркетинг — 1,
Чет тиллари — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Университет манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел:138-64-06.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси "Тошкент почтамти" акциядорлик жамиятининг почта хавфсизлиги хизмати бўлинмаси мутахассиси
Матлуба АЪЗАМҚУЛОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон почтаси" ДАК жамоаси "Тошкент почтамти" акциядорлик жамиятининг почта хавфсизлиги хизмати бўлинмаси мутахассиси
Матлуба АЪЗАМҚУЛОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Тошкент почтамти" АЖ жамоаси корхона почта хавфсизлиги хизмати бўлинмаси мутахассиси
Матлуба АЪЗАМҚУЛОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Ўтган йилнинг охирларида Сариосиё туманининг, Сангардак қишлоғи аҳолисидан Ўзбекистон телевидениеси дастурларини томоша қилиша олмаётганликлари, шунингдек, туман маркази билан телефон алоқаси йўқлиги хусусида навбатдаги мурожаат келиб тушганди. Сангардак қишлоғи теледастурлар узатилмайдиган тоғли қишлоқлар рўйхатида турганлиги сабабли аввалига бу масалада бирор бир айтарли натижага эришиш мумкинлигига ишонмагандим. Чунки, бу қишлоқ аҳолиси илгари ҳам бир неча марта бу ҳақда ёзишган ва ҳар сафар техник имконият мавжуд эмаслиги сабабли дастурларни узатиш имкони йўқ, деган жавобларни олишганди.

Мурожаатни жойида ўрганиб чиқиш учун "Сурхондарё Телеком" филиали директорининг биринчи ўринбосари Р.Тўхтамишев ҳамда вилоят Радио ва телевидение узатиш маркази бошлиғи М.Қурбоновлар билан биргаликда баланд тоғлар орасидан "Сангардак" сойи ёқалаб кетар эканмиз, узоқда (тоғлар ичида 45 километр) жойлашган бу қишлоқ аҳлининг орзуси ҳали-бери ушалмаса керак, деган ўйга бордим.

Сангардак қишлоғида 520 хўжалик яшайди. Аҳолисининг сони 2700дан ортиқроқ. Қишлоқнинг "маркази" деб аталмиш баланд тоғлар этагида мачит, маҳалла йиғини раисининг 2 хонали биноси ва бир дўкон мавжуд.

Қишлоққа кираверишда тўптўп бўлиб суҳбатлашиб турган йигитларга дуч келдик. Уларга яқинлашиб, ўзимизни таништирдик ва мақсадимизни айтдик. Улар қишлоқда телефон йўқлигини, фақатгина "Россия" теледастурини қўшни Тожикистон Республикасидан келаётган сигнал орқали кўришаётганини таъкидлашди.

Мазкур масала юзасидан "Сангардак" ширкат хўжалиги раиси А.Азизов билан учрашиб, аҳволни тушунтирдик. Тоғлар орасидан радиотелефон сигнали ўтмаганлиги ва телевидение сигнали мавжуд эмаслиги аниқ бўлса ҳам, албатта, бу иш яна бир марта ўрганиб чиқилишини, бироқ сигнал мавжуд бўлган тақдирда ҳам ҳозирги молиявий аҳволдан келиб чиқиб, бу ишни бажариш қийинлигини билдирдик. Суҳбат давомида ширкат хўжалиги раиси ҳам ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини айтди. Вилоят Радио ва телевидение узатиш марказининг бошлиғи М.Қурбонов эса мазкур масала ечимини ички имкониятлардан излаб кўришини, 2004 йилнинг май ойларигача уни бажаришга ҳаракат қилишини таъкидлади. Қишлоқ бўлганлиги сабабли (ёнингарчилик вақтида қишлоқ йўли ёпилади) Радио ва телевидение узатиш корхонасига бу масъулиятли ишни бажариш муддати белгиланиб, кўрсатма берилмади...

Жорий йилнинг март ойидан бошлаб, 104.4 МГц частотада вилоятнинг шимолий туманлари аҳолиси ҳам "Сурхон садоси" радио каналини эшитиш имкониятига эга бўлди. Термиз ва Денов шаҳарларида эса кабел телевидениеси тармоғи ўрнатила бошланди. Унинг абонентлари сони кундан-кунга ортиб, Термиз шаҳрида мингтага, Денов шаҳрида эса беш юзтага етди.

Бу орада вилоят Радио ва телевидение узатиш корхонаси лаборатория ходимларининг тинимсиз изланишлари самарали якунланди. Уларнинг Сангардак қишлоғида ўтказган ўрганишлари ва саъй-ҳаракатлари натижасида қишлоққа яқинроқ жойдан қуввати камроқ сигнал топилди.

2004 йил март ойи — Наврўз айёми арафасида эса қувончли хушхабар келди. Сангардак, Тожик, Чанглоқ қишлоқлари аҳолиси Ўзбекистон телевидениесининг ТВ-1, ТВ-2 теледастурларини кўришга муяссар бўлишибди. Наврўз байрамига ажойиб ва унутилмас совға тайёрлаган Сурхондарё вилояти Радио ва телевидение узатиш марказининг тиниб-тинчимас, изланувчан ходимларига нафақат Сангардак, балки Тожик ва Чанглоқ қишлоқлари аҳолисидан ҳам миннатдорчилик сўзлари ва раҳматлар ёғилмоқда.

Изланиб, интилиб иш юритганга шикоят эмас, балки халқнинг раҳмати ва олқишлари ёғилиши турган гап. Шундай экан, юқоридан кўрсатма кутмаслан жойлардаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этган ҳолда халқимизга қулайлик яратаверайлик. Аҳолига янада сифатли хизмат кўрсатиш, олий ҳимматли бўлиш ва бу борада бурчимизни унутмаслик давр талабига айланмоғи муҳимдир. "Интилганга толе ёр", деб бежиз айтишмайди-ку!

Жумагул МУРАТОВА,
Сурхондарё вилояти ДАИ бошлиғи

MA'NAVIYAT

СЎЗНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

Бундан қарийб қирқ йилча илгари Тошкентдан Фарғона Давлат университетига ишга юборилган эдим. Борганимдан сўнг тарих, тил ва адабиёт факултетининг декани лавозимига ишга тайинландим. Кўп ўтмай талабалар билан яқиндан муомала қилиб устоз-шогирд бўлиб кетдик.

Ўша пайтларда туғилган кунлар, турли байрамлар ва бошқа тантаналар муносабати билан одамлар бир-бирларига китоб совға қилишни энг яхши одат, деб билишган. (Афсуски, ҳозир бу анъана унутилиб кетаётганга ўхшайди.) Китобни совға сифатида қабул қилиб олганлар эса унга алоҳида эътибор бериб, эсдалик рамзи сифатида асраб қўяр эдилар.

Менга ҳам кўплаб китоблар совға қилишган. Айниқса, шогирдларимдан бири Маҳмуджон Абдуллаев Абдулла Ориповнинг "Онажон" номли шеърий тўпламини совға қилганида, жуда хурсанд бўлганман ва қирқ йил илгариги бу воқеа ҳанузгача сира эсимдан чиқмайди. Тўғри, ҳозир ҳам шеърий китоблар кўплаб чоп этиляпти.

Бироқ бу китобларнинг барчасини ҳам такрор-такрор ўқиб бўлмайди. Уларнинг аксариятини бугун ўқиб, эртага унутасан, лоақал бирор сатри ҳам эсингда қолмайди. Балки машҳур шоирнинг "Онажон" номли мўъжазгина тўпламини ҳалигача ўзимга қадрдон деб билишимга ундаги ажиб шеърлар сабабдир.

Тўпламдан жой олган "Темир одам" сарлавҳали шеър, айниқса одамга қаттиқ таъсир қилади. Уни ўқиган киши мафтун бўлмасдан қолмайди, чунки мазмуни мулоҳазага чорлайдиган бўлса, мантиқий ва фалсафий маъноси киши эътиборини ўзига жалб қилади. Ўзбекона урф-одатлар, миллий қадриятлар аста-секин унутилиб бораётган бир даврда ёзилган бу шеърлар тўплами муаллифдан катта истеъдод ва ўткир ақл-заковат талаб қилганки, шунча йил ўтса ҳам улар ўз қийматини, долзарблигини йўқотмаган.

Ушбу шеър мазмунига эътибор берсак, бир олим оддий темирдан ақл-заковатли "одам" (робот) ясайди. Шоир "темир одам"нинг ақлига тан беради, лекин унинг қалби йўқлигига қуюнади ва ақл-заковати бўлсада, қалби йўқ тирик темирга айланганлар атрофимизда кўп-ку, дея олимга хитоб қилади: "Эй устоз, темирдан одам ясабсиз, у шахмат ўйнашни биларкан, шеър ёзиш ва мусиқа яратиш қўлидан келар экан. Лекин бошқа-бошқа фазилатлари бўлса ҳам, у қалби йўқ темирку. Ақл-заковатингизни темирдан одам ясашга сарф қилмасдан, балки темирга айланиб кетган қалбсиз одамларни қайтадан жонли одамларга айлантиришга сарф қилсангиз бўлмасмиди!".

Мазкур шеър бизни миллат тақдири ҳақида чуқурроқ мушоҳада қилишга чорлайди. Шунда ҳозирги кунларда учраб турадиган нохуш ҳодисалар ва меҳрсизликларнинг фожиали илдизлари ўша олис йилларга бориб тақалишига амин бўламиз. Шеър қалбимизда атрофимиздаги "темир одам"ларга ачиниш туйғусини уйғотади, инсонларга нисбатан садоқатли, меҳр-мурувватли, раҳмшафқатли бўлишга ундайди.

* * *

Москвада ўқиб юрган пайтимда менга рус олими В.Налимовнинг "Тилнинг нисбий модели" номли китобини совға қилишганди. Унда сўзнинг қудратли кучи таърифланиб, қуйидаги хаёлий мисол келтирилган: Бир ўзга сайёралик Ерга ташриф буюриб, ҳаётимизни кузатибди, маданиятимиз ҳамда тарихимиз билан танишибди. Ердаги ҳаётни, бўлаётган воқеаларни ўзича тушунган бу махлуқ ўз сайёрасига таассуротлари ҳақида қуйидагича хабар берибди: "Ер юзида ғалати жонзотлар яшар экан, улар ақлли мавжудотлар бўлиб, ўзларини "инсон" деб аташаркан. Бу инсонлар оддий бўлмаган, ақл бовар қилмайдиган мураккаб бир нарсани ўйлаб топишибди, яъни "сўз"ни кашф қилишибди. Лекин ўзлари мана шу кашфиётнинг шафқатсиз исканжасига тушиб қолишибди. "Сўз" улар устидан ҳукмронлик қилишга эга бўлибди, яъни сўз билан бола туғадилар, сўз билан тарбия қиладилар, сўз билан руҳий тушкунликка дучор бўладилар, сўз билан рағбатланадилар, сўз билан курашадилар. Сўз билан уларнинг жамиятида улуғ қурилишлар содир бўлади. Сўз учун кишилар ҳатто урушга отланадилар. Хуллас, ҳамма нарса сўз билан ривож топадиган давр келибди. Бу эса сўзга ва унинг кучига бағишланган мадҳия, яъни бу инсонни болалигидан ўзига бўйсундиришнинг қуролидир".

Албатта, сўзнинг куч-қудратини маъқуллаш билан бирга "инсон сўз исканжасига тушиб қолди" деган фикр-хулосани тўғри деб бўлмайди. Чунки инсон сўзнинг эмас, балки ўз ёвузлиги ва ҳоҳлона фикр юритишининг исканжасига тушиб қолган бўлиши мумкин, холос. Демак, мураккаб кашфиёт бўлиб туюлган "Сўз" аслида инсонга Аллоҳ томонидан иньом этилган неъматдир. Агар ўша "Қузатувчи" инсон билан тил хусусида сўзлашганда, сўзнинг моҳиятини бир қадар англаган бўлур эди ва "Шафқатсиз исканжа", деб ўзича хулоса ясамасди.

Шундай қилиб, тил фақат ўтмиш ёки ҳозирги даврнинг нодир ҳодисаси бўлибгина қолмасдан, келажакка интилган инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳаётини такомиллаштирувчи қудратли омил ҳамдир.

* * *

Узоқ йиллар давомида тилимиз лойқаланганлиги сир эмас. Фарзандларимизнинг миллийликдан узоқлашганлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Ёш олим Сиддиқ Мўминнинг сўзлашиш одоби, суҳбатдош бўлишнинг ўзига хос сирсиноатлари ҳақидаги "Сўзлашиш санъати" номли китобини ўқиб, сўзлашиш маданияти борасида дунёда бизга етадиган миллат йўқлигига ишонч ҳосил қилдим.

Шу ўринда бу китоб ёшларимиз учун муҳим қўлланма эканлигини таъкидлаган бўлардим. Ушбу китоб менга қаттиқ таъсир қилган. Негаки, ҳаётим давомида яхшилик, меҳрибонлик фазилатларини ўзимга касб қилишга қанчалар уринмай, барибир ўзбекона урф-одатлардан хийла узоқлашганимни сездим. Кўп йиллар Москва шаҳрида яшаганим учун бирор киши билан сўзлашсам фикримни русча сўзларни қўшиб ифодалашим камчилик эканлигини тушундим. Ўзбек миллатига мансуб одам нафақат тилни, динни билиши, балки миллий тилнинг гўзаллиги, кучи ва нафислигини юракдан ҳис эта олиши лозим экан. Аминманки, "Сўзлашиш санъати" китобини ўқиган ёшлар унинг тарбиявий томонига эътибор берадилар ва ўзларидаги нуқсонларни бартараф этиб, сўзлашиш маданиятидан сабоқ оладилар.

Ёш олим сўзнинг илоҳий мўъжиза эканлигини миллатимиз руҳиятидан келиб чиқиб ифодаларкан, сўз қадрини жуда юқори баҳолайди. У сўзни нафақат қадрлайди, балки суҳбат жараёнида ҳудбинлик, муғамбирлик ва бошқа шунга ўхшаш иллатлардан қайтаради ва ҳаммани асл ўзбек одами каби самимий бўлишга ундайди. У ўзбек тилининг гўзал ва нафис томонларини очиб беришда ўзининг ҳаётий кузатувларига асосланади.

Дарвоқе, Сиддиқ Мўмин яқин-яқинларда Фарғона Давлат университетида докторант бўлиб юрган эди. Кейинчалик суриштирсам, у мен ўзим бир пайтлар ўқитган талабанинг шогирди бўлиб чиқди. Бехос ўтган йиллар ёдимга тушди. Қизиғи шундаки, бундан қарийб қирқ йил илгари шогирдим совға қилган "Онажон" тўплами билан шогирдимнинг шогирди ёзган "Сўзлашиш санъати" китоби ўртасида узвий боғлиқлик бор эди. Бу бахтли тасодиф эканлигини сездим.

Сиддиқ Мўмин бугун эҳтиром билан устоз дея менга аталган китобга дастхат тақдим қилгани ҳам ҳаётимдаги бахтли тасодифлардан бири бўлди. Шундай қилиб, "набира шогирдимдан" чин дилдан севиндим. Аммо такрорлаб айтаманки, гап ҳозирги хурсандчилигим ҳақида эмас...

Шер МУСЛИМОВ,
ТАТУ "Иқтисодиёт назарияси" кафедрасининг доценти

ЭЪЛОН!

Давлат алоқа инспекцияси қурилиш бўлими бошлиғи лавозимига алоқа соҳасига тааллуқли, олий маълумотли, алоқа соҳасида 5 йиллик иш стажига, қурилиш бўйича тажрибага эга ҳамда соҳага доир меъёрий ҳужжатларни мукаммал биладиган мутахассисларни ишга қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этишни хоҳлаган мутахассислар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Таржимаи ҳол, сўровнома, 1та сурат, олий маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, паспортдан кўчирма.

Ҳужжатлар 2004 йил, 15 апрелгача қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй.
E-mail: kadry@gis.uz, тел. 135-80-67.

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

***На саммите ООН,** проходившем в марте и посвященном вопросам Интернета, делегаты со всего мира вновь обсудили вопросы взаимоотношения государства и простого пользователя, затронули вопросы спама, сетевой безопасности, конфиденциальности и обговорили регулирование технических сторон обеспечения работы глобальной сети. Впервые ООН обратила столь пристальное внимание на Интернет – от технических стандартов на доменные имена, до проблем сохранения безопасности и спама. Несмотря на то, что выработка каких-либо решений внутри структуры ООН идет очень медленно, результат ее работы может полностью изменить всю схему существования Интернета, какой мы ее знаем на сегодняшний день.*

Как развивается Интернет

В целом, основные опасения касаются того, что государства могут установить монопольный контроль над сетью, тем самым лишив своих граждан свободы самовыражения.

Делегаты из развивающихся стран, где Интернета практически нету, много говорили о цифровом неравенстве, предлагая своим более удачливым коллегам выкладывать деньги на его преодоление.

А как же дела обстоят с развитием Интернет в различных странах мира? Посмотрим это на примере таких стран, как Россия и США.

Компания J'son&Partners опубликовала исследования российского рынка Интернет - услуг. Данные показывают, что 50% рынка коммутируемого доступа контролируют 10 провайдеров, семь из которых входят в холдинг «Связьинвест».

Количество пользователей «диалапа» увеличилось в 2004 году на 1 млн. Здесь идет смещение активности в регионы. Соотношение между коммутируемым и выделенным доступом с 55/45 в прошлом году изменится до 52/48 на конец 2004 года.

Топ провайдеров коммутируемого доступа возглавляют: «Голден телеком», «МТУ-Интел», «Сибирь Телеком».

Исследование показывает, что недельная аудитория Интернета в России составляет 5,9 млн. человек. На конец прошлого года месячная аудитория равнялась 11,6 млн. К концу года она может достичь 15 млн.

Рост аудитории в 2004 г. составит 35-40%. На таком же уровне он был и в прошлом году.

37% российской недельной Интернет -аудитории приходится на Москву. Уровень проникновения в Москве достиг 17%, тогда как среднее значение по остальным регионам – менее 3%. На конец года эти показатели вырастут до 20 и 5 процентов, соответственно.

А как распределяется Интернет - аудитория по регионам? Если раньше в этом аспекте лидировала Москва, то теперь примерно одинаковый процент сетевой аудитории (16%) приходится сразу на несколько территорий (Москва, Северо-западный регион, Поволжье и области Центральной России). На юг России приходится 12% пользователей, на Сибирь - 12%, а на последних местах Урал (6%) и Дальний Восток (5%).

А вот в США ситуация совсем иная. На сегодняшний день почти 75% жителей США имеют домашний доступ в Интернет, причем женщины-пользователи обошли мужчин по всем параметрам и во всех возрастных категориях. К такому выводу пришли аналитики Nielsen// NetRatings, которые провели соответствующее исследование Интернет -аудитории в США.

Как сообщают в Региональном общественном центре Интернет - технологий, нынешние показатели не оправдали прогнозов о стабилизации уровня проникновения Интернета в развитом информационном обществе, когда многие исследователи говорили, что существует значительная часть населения, которая никогда не будет подключаться к Сети из принципиальных соображений. Это мнение оказалось ошибочным и можно предположить, что уровень проникновения будет и дальше увеличиваться, пока не достигнет 100%. Если сохранятся стабильные темпы прироста на 9% год, то о всеобщем Интернете в США можно будет говорить уже в 2007 г. Комментируя то обстоятельство, что женщины в Интернете обходят мужчин по всем параметрам, исследователи Nielsen// NetRatings полагают, что дело тут не в естественном приближении к демографической структуре общества, в соответствии с которой женщин должно быть больше. Это очевидно – женщины еще несколько лет назад превзошли мужчин по абсолютному количеству в онлайне. Но теперь они еще и опередили мужчин по уровню проникновения! Социологи объясняют это тем, что именно женщины совершают большую часть покупок для домашнего хозяйства и управляют семейной жизнью – для этого им нужна разнообразная информация, а также прямой доступ к Интернет -магазинам.

В данный момент в возрастной группе 25–34 года домашний доступ в Интернет имеют 77% американских женщин (34,6 млн.) и 75,6% мужчин (32,4 млн.), а в возрастной категории 35–54 года – 81,7% женщин (14,1 млн.) и 80,2% мужчин (13,9 млн.). В других возрастных категориях уровень проникновения Интернета составляет 77,6% в возрасте 2–17 лет, 75% – в возрасте 18–24 года и 63,4% в возрасте 55+. В совокупности доступ в Интернет имеют 204,307 млн. человек, в то время как все население США согласно переписи 2000 г. составляет 272,810 млн. человек.

А что же в Узбекистане? По данным, опубликованным информационным агентством УзА (www.uza.uz), оценочное количество пользователей сети Интернет в Узбекистане за первый квартал 2004 года увеличилось почти на 19 тысяч и превысило 511 тысяч. Эти данные были озвучены на заседании Комплекса по вопросам связи и информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) Кабинета Министров Республики Узбекистан, посвященном итогам развития сферы ИКТ в первом квартале 2004 года. На заседании отмечалось, что число вебсайтов, зарегистрированных в национальной доменной зоне .uz, приблизилось к 2600.

По материалам Reuters
www.cnews.ru

ПОДВЕДЕНЫ ИТОГИ СОРЕВНОВАНИЙ "ВЕСЫЛЫЕ СТАРТЫ"

В канун всенародного праздника "Навруз" ЦК профсоюзов работников связи республики провёл соревнования "Веселые старты" среди профсоюзных комитетов города Ташкента и столичной области.

В соревнованиях приняли участие 9 команд, составленные из членов профсоюзных комитетов предприятий, организаций связи города Ташкента и Ташкентской области.

В программу соревнований входила эстафета: легкоатлетическая, баскетбольная, футбольная и выбивание кеглей.

По итогам соревнований профсоюзный комитет ГАК "Узбекистан почтаси" в составе К.Вергун, С.Ахарходжаева, М.Сажаевой, С.Тулепова, Л.Сабитовой занял 2-ое призовое место. Их заслуги были отмечены администрацией компании денежной премией. Проводимые мероприятия способствуют укреплению и развитию духовного и физического потенциала работников отрасли связи.

К.ВЕРГУН,
председатель профкома ГАК "Узбекистан почтаси"

УСТРОЙСТВА ДЛЯ КОНЕЧНЫХ ПОЛЬЗОВАТЕЛЕЙ

ЧТОБЫ ОБЛЕГЧИТЬ ДОСТУП К ИНФОРМАЦИИ

Дизайнеры компании NEC представили концепты электронных устройств, предназначенных для повседневного использования. Объединённые общим названием Resonantware (что расшифровывается как «устройства, находящиеся в резонансе с внутренним и внешним миром человека») разработки созданы для того, чтобы пользователь мог легко получить доступ к мультимедийной информации.

LINUX В НАСТОЛЬНОМ ТЕЛЕФОНЕ

Нужны ли проводному телефону встроенная операционная система Linux и процессор PowerPC? Едва ли, если, конечно, это не многофункциональный IP-телефон, объединяющий в себе еще с десяток LAN-устройств и адаптер Bluetooth. Такой, как ZIP 4x5, выпускаемый американской компанией Zultys.

GSM-СМАРТФОН С КАМЕРОЙ И BLUETOOTH

Как и Motorola MPx100, Samsung SGH-i250 работает на новейшей мобильной платформе Microsoft - Smartphone 2003, являющейся, в свою очередь, модификацией Windows CE. Новинка имеет складной корпус и снабжена Bluetooth, мобильным вариантом Outlook и MediaPlayer и вращающейся мегапиксельной фотокамерой со вспышкой. В качестве флэш-карт использует miniSD - уменьшенную версию Secure Digital. Для установки такой карты в SD-ридер требуется простой переходник.

СЕТЕВЫЕ ПРОДУКТЫ И ОБОРУДОВАНИЕ

PC-КАРТА и GPS-МОДЕМ от SIERRA

Компания Sierra Wireless сообщила о выпуске двух новых устройств: PC-карты AirCard 775 и GPS-модема для EDGE-сетей MP 775, позволяющих пользователям обеспечивать соединения на скоростях, втрое превышающих аналогичные показатели GPRS-сетей. Оба новых продукта планируется выпустить в продажу уже во второй половине 2004 года.

НОВАЯ ВЕРСИЯ

Вышла новая версия ICQ Lite 4.0 Beta. В четвёртой версии значительно улучшен интерфейс, появилась возможность устанавливать аватары (как в MSN Messenger), отправлять открытки, играть в игры и т.п.

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

СМОГУТ ПЕРЕДАВАТЬ ЗАПАХ И ВКУС

В Научно-исследовательском парке японского города Йокосука (YRP), принадлежащем телекоммуникационной корпорации NTT DoCoMo, полным ходом идут работы над принципиально новым мобильным телефоном, способным передавать на расстояние данные для всех пяти человеческих чувств. Как сообщили представители NTT DoCoMo корреспондентам Reuters, в настоящее время терминалы могут воспроизводить видео и звук, однако не за горами и те времена, когда телефоны научатся передавать запах, вкус и даже тактильные ощущения.

МОБИЛЬНИК ДЛЯ СЛЕПЫХ

Испанский оператор сотовой связи Telefonica объявил о выпуске мобильного телефона, ориентированного на людей с различными нарушениями зрения. Аппарат Owasys 22C разрабатывался при поддержке испанского общества слепых ONCE, а также фирмы Owasys, занимающейся производством компьютерного оборудования.

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — 12 апрел — 18 апрел учун TVI, TVII, TVIII, TVIV, ОРТ, РТР, НТВ

ДУШАНБА, 12

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Хужжатли телесериал.
9.40 "Сиқат-саломатлик".
10.00. 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.55, 14.35 ТВ-анонс.
12.05 "Қўрсатувдан-кўрсатувгача".
12.25 "Дастурхон атрофида".
12.40, 16.55 ТВ-клип.
12.50 "Ёз ифори". Телесериал.
14.10 "Ободлик кўнгилдадир".
14.40 Кундузги сеанс: "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон". Бадиий фильм. 5-қисм.
15.55 "Ҳунарманд".
16.15 "Барчинойнинг шартлари". "Болалар сайёраси":
17.00 1. "Гаройибкентга саёҳат".
2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
18.10 "Ҳангома".
18.40 ТВ-клип.
18.45 "Мулкдор".
19.00 "Бахтли воқеа". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 2004 йил - Мехр ва мурувват йили. "Сен ёлғиз эмассан".
21.25 Ю. Ражабий номидаги мақом ижрочилари кўрик-танлови.
21.50 "Самодаги пойгалар".
22.05 "Қамашаҳарлар".
22.25 Кинонигоҳ. Д'Артаньян ва уч мушкетёр. 2-қисм.
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

СПОРТ телеканали TV IV

7.30 "Хабарлар" (Ўзбек тилида)
7.45 "Бардам бўлинг". Тонгги дам олиш дастури.
8.45 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.00 "Шоввозлар". Мультсериал.
9.20 Машқлар: "Брюс Ли".
10.05-11.30 "Геркулес". Мультфильм.
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Қўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
17.15 "Спорт-антракт". Россиянинг Биринчи канали.
17.20 Машқлар. А. Николаев.
17.50 "Клон". Сериал.
19.00 "Мени кутгин".
20.00 "Время".
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
20.30 "Болалар спорти".
20.45 "Спортимиз маликалари".
21.00 "Хабарлар" (Ўзбек тилида)
21.15 "3 - тайм".
21.45 Жаҳон спорти: "Профф-РИНГ".
22.45 "Sport TV"да кино: "Зарбли футбол". Бадиий фильм.
00.25 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ОРТ

5.00 Телеканал "Доброе утро"
8.00 Новости
8.05 Комедия "Ширли-мырли"
11.00 Новости
11.20 Х/ф "Разбег"
12.50 Звездный городок в "Городе женщин"
14.00 Новости (с субтитрами)
14.20 Сериал "Берег мечты"
15.20 "Угадай мелодию"
15.50 "Большая стирка"
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 "Кумиры".
17.50 Сериал "Клон"
19.00 Жди меня
20.00 Время
20.30 "Улицы разбитых фонарей". Многосерийный фильм
21.30 "Сергей Королев. Судьба". Документальный фильм
22.20 Искатели. "Последний шелевр Фаберже"
22.50 "Фабрика звезд"
23.10 Премьера. "Шаман". Документальный фильм
23.40 "Подводный мир Андрея Макаревича"
24.10 Триллер "Дом секретов"
1.40 Х/ф "Скажи что-нибудь"
3.20 Приключенческий фильм "Акула"
4.00 Новости
4.05 Фильм "Акула". Окончание

РТР

2:00 "Доброе утро, Россия!".
5:45 Х/ф "Укрощение огня".
8:00 ВЕСТИ.
8:30 ВЕСТИ-МОСКВА.
8:50 Х/ф "Укрощение огня". Продолжение.
9:45 "В Городке".
9:50 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
10:50 ВЕСТИ.
11:00 ВЕСТИ.
11:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11:30 "Частная жизнь". Ток-шоу.
12:30 Детектив "Пуаро Агаты Кристи"
13:30 ВЕСТИ.
13:40 ВЕСТИ-МОСКВА.
14:00 ВЕСТИ.
14:10 Телесериал "Крот".
15:05 "Комиссар Рекс". Телесериал
16:00 Телесериал "Закон".
17:00 ВЕСТИ.
17:30 ВЕСТИ-МОСКВА.
17:50 "Спокойной ночи, малыши!".
17:55 Телесериал "Небо и земля".
19:00 Телесериал "Ключи от бездны. Операция "Голем".
20:00 "ВЕСТИ+".
20:20 "Космос. Возвращение домой".
21:15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
21:30 Х/ф "Мужская компания".
22:45 Остросюжетный фильм "Не будем ссориться"
0:25 "Дорожный патруль".
0:40 Канал "Евроньюс" на русском языке.
1:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

НТВ

5:00 УТРО НА НТВ
7:55 "КРАСНАЯ СМЕРТЬ". Фильм.
9:00 "СЕГОДНЯ УТРОМ"
9:25 "НАМЕДНИ"
11:00 "СЕГОДНЯ"
11:35 Х/ф "ОСЕНЬ В НЬЮ-ЙОРКЕ"
13:35 "ПРОТОКОЛ"
14:00 "СЕГОДНЯ"
14:35 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО"
16:00 "СЕГОДНЯ"
16:30 Сериал "ДАЛЬНОБОЙЩИКИ: ДЫМ В ЛЕСУ"
17:35 "ПРОТОКОЛ"
18:00 "СЕГОДНЯ"
18:40 Сериал "МУР ЕСТЬ МУР", 1-я серия
19:45 Сериал "ПЯТЫЙ АНГЕЛ", 5-я серия
21:00 "СЕГОДНЯ"
21:30 "КРАСНАЯ СТРЕЛА"
21:40 Сериал "ДЕТЕКТИВ РАШ"
22:45 Сериал "МУР ЕСТЬ МУР"
24:00 "СТРАНА И МИР". Главные события дня

СЕШАНБА, 13

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Хужжатли телесериал.
9.50 Мусиқий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Рангин дунё".
10.25 "Бор жан-да, йўқ жан". Бадиий фильм.
11.45 "Хазораспнинг бир куни".
12.05 2004 йил - Мехр ва мурувват йили. "Сен ёлғиз эмассан".
12.25, 13.50 ТВ-клип.
12.35 "Қишлоқ ҳаёти".
12.55, 16.50 ТВ-анонс.
13.00 "Мерос". Телесериал.
14.10 "Мунозара".
14.40 Кундузги сеанс: "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон". Бадиий фильм. 6-қисм.
16.25 "Бизнес-ҳафта".
16.40 "Ифтихор".
16.55 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Тайёрламаган дарслар мамлакати". Мультфильм.
18.30 "Остонаси тиллодан".
18.50 "Қўшиғимиз Сизга армуғон".
19.10 "Тафсилот".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истеъмолчи".
21.25 ТВ-клип.
21.35 "Самодаги пойгалар". Бадиий фильм. 2-қисм.
23.10 "Ахборот-дайжест".
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

"Ёшлар" телеканали TV II

6.55 Қўрсатувлар дастури.
7.00 Давр.
7.25 ТВ-анонс.
7.30 "Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури.
8.30 "Янги авлод" студияси: Болалар шеърияти.
8.40 "Лоф уришга ким уста?" Мультфильм.
8.50 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.25 "Давр"-репортаж.
9.35 Тонгги серриал: "Жизз ва Вустер".
10.25 Менинг бир ривоят.
10.30 "Жалолиддин Хоразмшоҳ". Телеспектакл. 1-қисм.
11.25 ТВ-адвокат.
11.30 "Ғаваллупе". Телесериал.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Бир ўлкаки...
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ-анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: "Шуке ва Бэйта".
13.35 Болаларнинг тили.
13.45 Жар ёқасида.
14.00 Интерфутбол.
15.40 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.00 Давр.
16.10 "Ёвойи оқсушлар". Бадиий фильм.
17.30 ТВ-анонс.
17.35 Қўрсатувлар дастури.
17.40 "Янги авлод" студияси: Дунё ва болалар.
18.00 "Мультгомоша".
18.15 Наво.
18.30 Янги алифбони ўрганамиз.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Олтин мерос.
19.00 Давр.
19.35 "Давр"- интервю.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Сув - ҳаёт манбаи.
20.10 Дийлор.
20.30 Ота-она изланмаи.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
21.00 "Ғаваллупе". Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Футбол-плюс.
23.05 "Биринчи қаллиғроч". Бадиий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун.

"Тошкент" телеканали TV III

17.10 Қўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: "Луиза Фермонда".
17.45 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
17.55 "Хорнж хабарлари".
18.00; 20.50 "Экспресс" телегазетаси.
18.15 "Билим" телеклуби.
18.30, 20.00, 21.05, 21.45 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.50 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
19.20 ТТВда сериал: "Бебилиска пуя".
20.20 "Турғин ҳаққида".
21.25 "Инсон ва қонун".
22.05 "Қамашаҳарлар".
22.25 Кинонигоҳ. Д'Артаньян ва уч мушкетёр. 2-қисм.
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

СПОРТ телеканали TV IV

7.30 "Хабарлар" (Ўзбек тилида)
7.45 "Бардам бўлинг". Тонгги дам олиш дастури.
8.45 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.00 "Болалар спорти". Мультсериал.
9.15 "Шоввозлар". Мультсериал.
9.35 Жаҳон ҳалқари ўйинлари.
10.05 Афсонавий футболчилар: "Фламенго ва Васко Да Гама".
10.55 "Г. Полонская билан бирга". Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ.
11.20-12.50 В. Теличкина "Фаворга олдида учрашамиз" комедиясида.
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.50 Қўрсатувлар тартиби.
16.55 Футбол. Осиё чемпионлари лигаси. "Пахтакор" - "Ал-Риффа" (Бахрайн) Таниффусда "Хабарлар" (Рус тилида)
Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ.
18.50 "Миллионга кир ювиш".
19.00 Премьера. "Е. Романова: терговни дилетант олиб борди". Сериал.
20.00 "Время".
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
20.30 "Болалар спорти".
20.45 "Спортимиз қизлари".
21.00 "Хабарлар" (Ўзбек тилида)
21.15 "Спорт қиёфаси".
21.45 Жаҳон спорти: Европфутбол.
23.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ОРТ

5.00 Телеканал "Доброе утро"
8.00 Новости
8.05 "Улицы разбитых фонарей". Многосерийный фильм
9.10 Сериал "Клон"
10.20 Мультсериал "Кошки-мышки"
10.40 Дисней-клуб: "Ким Пять-с-плюсом"
11.00 Новости
11.20 Комедия "Встретимся у фонтана"
12.50 Детектив. "Спаси меня, брат". Дело 2004 года
13.20 Герои женщин
14.00 Новости (с субтитрами)
14.20 Сериал "Берег мечты"
15.20 "Угадай мелодию"
15.50 "Большая стирка"
17.00 Вечерние новости
17.20 "Шутка за шуткой"
17.50 Сериал "Клон"
18.50 "Стирка на миллион"
19.00 Детектив "Еламина Романова: Следствие ведет дилетант"
20.00 Время
20.30 "Улицы разбитых фонарей". Многосерийный фильм
21.40 Тайны века. "Обратная сторона Луны"
22.30 Ночное "Время"
22.50 "Фабрика звезд"
23.10 "На футболе"
23.40 "Сканер"
24.10 "Русский экстрим"
24.40 Триллер "Потерянный сын"
2.20 Сериал "Мертвая зона"
4.00 Новости
4.05 Теория невероятности. "Загадки времени"

РТР

2:00 "Доброе утро, Россия!".
5:45 Телесериал "Небо и земля".
6:50 "Короткое замыкание". Ток-шоу.
7:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
8:00 ВЕСТИ.
8:30 ВЕСТИ-МОСКВА.
8:50 "Что хочет женщина". Ток-шоу Елены Яковлевой.
9:50 Телесериал "Ключи от бездны. Операция "Голем".
10:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
11:00 ВЕСТИ.
11:10 ВЕСТИ-МОСКВА.
11:30 "Частная жизнь". Ток-шоу.
12:30 Детектив "Пуаро Агаты Кристи"
13:30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:40 ВЕСТИ-МОСКВА.
14:00 ВЕСТИ.
14:10 Телесериал "Крот".
15:05 "Комиссар Рекс". Телесериал.
16:00 Телесериал "Закон".
17:0 ВЕСТИ.
17:30 ВЕСТИ-МОСКВА.
17:50 "Спокойной ночи, малыши!".
17:55 Телесериал "Небо и земля".
19:00 Телесериал "Ключи от бездны. Операция "Голем".
20:00 "ВЕСТИ+".
20:20 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
20:30 Торжественная церемония вручения национальной театральной премии "Золотая маска".
22:20 Детектив "Сердце правосудия"
0:20 "Дорожный патруль".
0:35 "Агентство одиноких сердец".
1:00 СЕРИАЛ "Восемь рассказов"
1:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

НТВ

5:00 УТРО НА НТВ
7:45 Сериал "ПЯТЫЙ АНГЕЛ"
9:00 "СЕГОДНЯ УТРОМ"
9:25 "БЕЗ РЕЦЕПТА".
9:55 ПРОФЕССИЯ-РЕПОРТЕР. "ВЕЧНЫЙ ПОТОП"
10:20 "СТРАНА СОВЕТОВ"
11:00 "СЕГОДНЯ"
11:30 Приключенческий фильм "ГРУЗ БЕЗ МАРКИРОВКИ"
13:20 "ВРЕМЯ ЕСТЬ"
13:35 "ПРОТОКОЛ"
14:00 "СЕГОДНЯ"
14:35 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО"
16:00 "СЕГОДНЯ"
16:30 Сериал "ДАЛЬНОБОЙЩИКИ: ЛЕХА"
17:35 "ПРОТОКОЛ"
18:00 "СЕГОДНЯ"
